

HALQ BANK

МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК

«Қанча кўп  
ўқисангиз,  
шунча кўп  
биласиз. Қанча  
кўп билсангиз,  
шунча кўп  
нарсага  
эришасиз»





**БИЗНИНГ ҚЎЛЛАНМАДА БОЛАЛАР УЧУН  
ТУШУНАРЛИ БЎЛГАН МИСОЛЛАР,  
ЖУМЛАДАН, ПУЛЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ  
САНАШ, ИҚТИСОД  
ҚИЛИШ ВА САҚЛАШНИ ЎРГАНИШ,  
БЮДЖЕТИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ  
РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ  
ОЗГИНА ПУЛДАН КЎП ПУЛ ИШЛАШ  
КЎРСАТИЛГАН. ОДДИЙ ҲАРАКАТЛАР ВА  
ОДАТЛАР БИЛАН,  
ХУДДИ БИР ВАҚТЛАР САНАШ  
ТАЎҚЧАЛАРИДАН БОШЛАГАН ҲАР БИР  
МУВАФФАҚИЯТЛИ МОЛИЯЧИ  
КАБИ МУВАФФАҚИЯТ САРИ ЙЎЛ  
БОШЛАНАДИ.**



**КЕЛТАНИШАМИЗ! БИЗ – ХАЛҚ БАНКИ ОИЛАСИМИЗ.  
БИЗ ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЙМИЗ. ҲАР БИРИМИЗДА  
ОРЗУ БОР ВА БИРГАЛИКДА ДАРОМАДЛАРИМИЗНИ  
БОШҚАРИШНИ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗГА ҚАНДАЙ  
ЭРИШИШНИ ЎРГАНАМИЗ.**

## **НИМА ҲАҚИДА ОРЗУ ҚИЛЯПСАН?**

БАЛКИ БУ – ЯНГИ ЎЙИН, КИТОБ, ВЕЛОСИПЕД, КОМПЬЮТЕР, ЯНГИ  
МОДАДАГИ КЎЙЛАК, СУМКА ЁКИ БЕЗАКДИР? ЭҲТИМОЛ, БИРОН-БИР  
ШАҲАР ЁКИ ДАВЛАТГА САЁҲАТ ҚИЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛЯПСАНМИ?  
ЁКИ УЙ ҲАЙВОНИГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАРСАН? ДУНЁДА ЖУДА ҚИЗИҚ  
ВА ФОЙДАЛИ НАРСАЛАР КЎПКИ, УЛАРДАН БИТТАСИНИ ТАНЛАШ ЭСА  
ЖУДА ҚИЙИН.



ҲАММАСИНИ ОЛИШНИ ХОҲЛАЙСАНУ, ЛЕКИН ОТА-ОНАЛАР ҲАР  
ДОИМ ҲАМ БИЗНИНГ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИМИЗНИ БАЖАРИШГА ВА  
БИЗ ХОҲЛАГАН НАРСАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА РОЗИ  
БЎЛИШМАЙДИ...НИМА УЧУН? АХИР БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ЗАРУР ВА  
ФОЙДАЛИКУ! ОТА-ОНАЛАРИМИЗ КЎПИНЧА ТАНЛОВ ҚИЛИШ ВА  
БИРОН НАРСАДАН ВОЗ КЕЧИШ КЕРАКЛИГИ ТЎҒРИСИДА  
ГАПИРИШАДИ, ЧУНКИ БУЛАРНИНГ ҲАММАСИНИ СОТИБ ОЛИШ  
ҚИММАТГА ТУШАДИ ЁКИ ҲОЗИР СОТИБ ОЛИШ УЛАРНИНГ РЕЖАСИГА  
КИРМАЙДИ.

**ЙЎЛИНИ ТОПДИК!**

**ПУЛ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШНИ  
БИРГА ЎРГАНАМИЗ (ПУЛНИ  
ИШЛАТИШНИ БИРГА ЎРГАНАМИЗ)**



# ПУЛ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?



АСТАСЕКИН, ОДАМ ЕРНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ, ТУРЛИ ХИЛ  
ЕЙИШ МУМКИН БЎЛГАН ЎСИМЛИКЛАРНИ  
ЕТИШТИРИШНИ, ИДИШТОВОҚ ВА УЙРЎЗҒОР  
БУЮМЛАРИНИ ЯСАШНИ, КИЙИМ ТИКИШНИ ЎРГАНДИ.  
КИМДИР ЛОЙДАН ТУРЛИ ХИЛ БУЮМЛАРНИ ЯСАШНИ  
АЪЛО ДАРАЖАДА УДДАЛАЙ ОЛГАН БЎЛСА, У ҚУЁН  
ОВЛАШНИ ЭПЛАЙ ОЛМАС ЭДИ. БОШҚА БИРОВДА ЭСА  
БУНИНГ ТЕСКАРИСИ.

## **НАТИЖАДА ОДАМЛАРНИНГ ХАЁЛИГА БИР ФИКР КЕЛДИ:**

ЎЗЛАРИ ҚИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ АЛМАШИШЛАРИ  
МУМКИН ЭДИ. МЕН СЕНГА ҚУЁННИ БЕРАМАН, СЕН  
МЕНГА ОВҚАТ ПИШИРИШ УЧУН ҚОЗОННИ БЕРАСАН. ШУ  
ТАРИҚА ЗАМОНАВИЙ ПУЛНИНГ ЎТМИШДОШИ  
- БАРТЕР ТУШУНЧАСИ КЕЛИБ ЧИҚҚАН.



## **СЕН МАКТАБДАГИ ДЎСТЛАРИНГ БИЛАН**

РАСМЛАРНИ, РУЧКАЛАРНИ, ЎЧИРГИЧЛАРНИ, ЎЙИН  
КАРТАЛАРИНИ, СОЧ ТЎҒНАҒИЧНИ, ЎЙИНЧОҚЛАРНИ.  
..... АЛМАШАСАНМИ?  
- ДЕМАК, СЕН БАРТЕР  
БИТИМИНИ АМАЛГА ОШИРЯПСАН.

# ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИНСОНЛАР МЕҲНАТЛАРИ МАҲСУЛИНИ ПУЛ ЁРДАМИДА АЙИРБОШЛАШАДИ?



АНВАР ВА ЛОЛАНИНГ ДАДАСИ КОМПЬЮТЕР  
УСТАСИ БЎЛИБ ИШЛАЙДИ

ОЙИСИ ЭСА - ШИФОКОР,  
ОДАМЛАРНИ ДАВОЛАЙДИ ВА ШУ  
ОРҚАЛИ ПУЛ ТОПАДИ



**УЛАРГА МЕҲНАТИ ЭВАЗИГА ТЎЛАНДИГАН  
ПУЛЛАР ИШ ҲАҚИ ДЕБ НОМЛанаДИ. ОДАТДА ИШ  
ҲАҚИ ОЙДА БИР МАРТА ТЎЛанаДИ.**

БИЗ ЎЗ МЕҲНАТЛАРИМИЗ МАҲСУЛИНИ БОШҚА ОДАМЛАР  
МЕҲНАТИ ОРҚАЛИ ЯРАТИЛГАН ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРГА  
АЙИРБОШЛАШИМИЗ МУМКИН. МАСАЛАН МЕВА ВА  
САБЗАВОТЛАР ДЕҲҚОНЛАР МЕҲНАТИ ОРҚАЛИ  
ЯРАТИЛАДИ

## **МЕҲНАТ ТУРЛИ ХИЛ НАРХЛАРДА БЎЛАДИ**

ШИРИН КУЛЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ НАРХИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ  
КИЙИМ ТИКИШ НАРХИДАН ФАРҚ ҚИЛАДИ. ХУДДИ ШУНДАЙ БИР  
КИЛОГРАМ БОДИРИНГ НАРХИ АВТОБУС ЧИПТАСИ НАРХИ БИЛАН  
БИР ХИЛ ЭМАС. САБАБИ, ТУРЛИ ХИЛ МЕҲНАТЛАР ЎЗИГА ХОС  
БИЛИМ, ҚОБИЛИЯТ ВА ТАЖРИБА ТАЛАБ ҚИЛАДИ. ШУНИНГДЕК,  
ҲАР БИР МЕҲНАТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТУРЛИЧА БЎЛАДИ ВА МОС  
РАВИШДА УНИНГ УЧУН ТЎЛАНДИГАН ИШ ҲАҚИ ҲАМ ФАРҚ  
ҚИЛАДИ.

# ОТА ОНАНГИЗ КИМ БЎЛИБ ИШЛАЙДИ?

ОТА ОНАНГИЗДАН УЛАРНИНГ КАСБИ ВА  
МЕҲНАТЛАРИ МАҲСУЛИ ҲАҚИДА СЎРАНГ

ПУЛЛАРНИ ИШЛАТИШНИ (НИМАДИР СОТИБ ОЛИШ ЁКИ ПУЛ ЖАМҒАРИШ) ТЎҒРИ  
БАЖАРИШ УЧУН ОЛДИН УЛАРНИ ФАРҚЛАШНИ ВА САНАШНИ БИЛИШ ЛОЗИМ.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПУЛ БИРЛИГИ "СЎМ" ДЕБ НОМЛАНАДИ ВА  
ТУРЛИ ХИЛДАГИ ҚОҒОЗ БАНКНОТАЛАР, ҲАМДА МЕТАЛ ТАНГАЛАР МАВЖУД.




ҚОҒОЗ ПУЛЛАР ТУРЛИ ХИЛ  
НОМИНАЛЛАРДА БЎЛАДИ. БАНКНОТА  
НОМИНАЛИ УНИНГ СОТИБ ОЛИШ  
ҚОБИЛИЯТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ  
ВАЛЮТАСИ "СЎМ"НИНГ БУГУНГИ КУНДА  
200, 500, 1 000, 5 000, 10 000, 50 000 ВА  
100 000 ТАЛИК ҚОҒОЗ БАНКНОТАЛАРИ  
МАВЖУД.

ҲАР БИР ДАВЛАТНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ  
ЎЗИГА ХОС ҲИМОЯ ЧОРАЛАРИГА ЭГА.  
БУНДАЙ ҲИМОЯ ЧОРАЛАРИ УЛАРНИ  
НОҚОНУНИЙ РАВИШДА "ЧИЗИЛИШИ" ЁКИ  
"ЧОП ЭТИШ"НИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА  
ЎРНАТИЛГАН. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУДУДИДА ФАҚАТ МАРКАЗИЙ БАНК  
МИЛЛИЙ ВАЛЮТА "СЎМ"НИ ЧОП ЭТИШ ВА  
МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

**БИЗ ХАРАЖАТЛАРНИ ИККИ ТУРГА  
БЎЛИШИМИЗ МУМКИН: ЭҲТИЁЖЛАР ВА  
ИСТАКЛАР. ЭҲТИЁЖЛАР БИРИНЧИ ЎРИНДА  
ЗАРУР БЎЛГАН НАРСАЛАР: ОВҚАТ, КИЙИМ,  
ДАВОЛАНИШ. ИСТАКЛАР БУ БИЗ ЖУДА  
ХОҲЛАЙДИГАН ЛЕКИН УЛАРСИЗ ҲАМ  
ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИГАН ХАРАЖАТЛАРДИР.**

# ОИЛАМИЗДА ҚАНЧА ПУЛ БОРЛИГИНИ ҚАНДАЙ БИЛСАК БЎЛАДИ?

БУНИНГ УЧУН БЮДЖЕТ ЮРИТИЛАДИ



БЮДЖЕТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ – ПУЛ ОҚИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ! АГАР ХАРАЖАТЛАР ДАРОМАДЛАРДАН КЎП БЎЛСА — БУ БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИДИР. АГАР ДАРОМАДЛАР ХАРАЖАТЛАРГА НИСБАТАН КЎП БЎЛСА — БУ БЮДЖЕТ ПРОФИЦИТИ ДЕБ НОМЛанаДИ.

Кутилаётган даромадлар		Кутилаётган харажатлар	
Ота-оналар томонидан бериладиган чўнтак пуллари	2 500 сўм	Транспорт учун чипта	1 000 сўм
Иш ҳақи	20 000 сўм	Нонушталар	6 000 сўм
Бошқа даромадлар	3 000 сўм	Шахсий харажатлар	2 000 сўм

СЕНИНГ ДЎСТЛАРИНГ ХАЛҚ БАНКИДА ЎЗ БЮДЖЕТЛАРИНИ  
ЮРИТИШЯПТИ, ЭНДИ СЕН ҲАМ СИНАБ КЎР!



## ПУЛНИ ҚАНДАЙ "КЎПАЙТИРИШ" МУМКИН?



АВВАЛО ИНФЛЯЦИЯ НИМА ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА ГАПЛАШИБ ЎТАМИЗ – БУ ПУЛНИНГ СОТИБ ОЛИШ ИМКОНИАТИНИНГ КАМАЙИШИДИР. БИЗ УНИ КАСАЛЛИК СИФТИДА ҚАРАШИМИЗ МУМКИН, ЯЪНИ ПУЛ КАСАЛЛИГИ. АГАР ПУЛЛАР ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИЛМАСА, ШУНЧАКИ УЛАРНИ ЖАМҒАРИЛАДИГАН БЎЛСА, УЛАР КАСАЛ БЎЛИШНИ БОШЛАЙДИ. КАСАЛЛИК ВАҚТИДА УЛАР КУЧСИЗЛАНАДИ ВА ОЗИБ КЕТИШАДИ.



## ЖАМҒАРМАЛАРИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШИМИЗ МУМКИН?

БУНИНГ УЧУН МАХСУС МОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТ МАВЖУД – БАНКЛАР. УЛАР ОДАМЛАРДАН ПУЛЛАРНИ САҚЛАШ УЧУН ОЛАДИЛАР ВА БУ УЧУН ФОИЗ ҲАМ ТЎЛАЙДИЛАР. БАНККА ПУЛ ҚЎЙГАНИНГИЗДА, СИЗДАН БИР ЙИЛДАН КЕЙИН ОМОНАТИНГИЗ ҚАНЧАГА КЎПАЙИШИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШАДИ. МИСОЛ УЧУН, ОМОНАТ ФОИЗ МИҚДОРИ ЙИЛЛИК 11% НИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. СИЗ БАНККА 1 000 000 СЎМ ҚЎЙДИНГИЗ. БУНДА ЙИЛ ОХИРИДА СИЗДА ҚУЙИДАГИЧА ҲОЛАТ БЎЛАДИ:  $1\,000\,000 \times 1,11 = 1\,110\,000$  СЎМ. БОШҚАЧА АЙТГАНДА 110 000 СЎМГА КЎПАЯДИ



## КЕЛИНГ ПУЛ ЖАМҒАРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАЙМИЗ

**ВАРИАНТ 1. ЙИЛ БОШИДА  
1 000 000 СЎМНИ  
КЎРПА ОСТИГА ЖАМҒАРИБ  
ҚЎЙДИК. БИР ЙИЛДАН  
СЎНГ ИНФЛЯЦИЯ 8%  
ПУЛИМИЗНИ КАМАЙИШИГА  
ОЛИБ КЕЛДИ ВА  
НАТИЖАДА ПУЛИМИЗ  
920 000 СЎМГАЧА  
КАМАЙИБ ҚОЛДИ.**

**ВАРИАНТ 2. МАБЛАҒИМИЗНИ  
БАНККА ЙИЛЛИК  
11% ДАН ОМОНАТГА ҚЎЙДИК.  
БИР ЙИЛДАН  
СЎНГ ИНФЛЯЦИЯ 8%  
ПУЛИМИЗНИ КАМАЙИШИГА ОЛИБ  
КЕЛДИ ВА БАНК БИЗГА БЕРГАН  
11% ДАН 3%  
ҚОЛДИ. НАТИЖАДА УМУМИЙ  
МИҚДОРДА 1 000 000 СЎМ  
МАБЛАҒИМИЗ ЙИЛ ОХИРИДА  
1 030 000 СЎМНИ ТАШКИЛ  
ҚИЛДИ ВА БУ БИРИНЧИ  
ВАРИАНТГА НИСБАТАН 110 000  
СЎМ КЎП МИҚДОРНИ  
ТАШКИЛ ЭТДИ.**



## ҚАНДАЙ ҚАРЗ ОЛИШ КЕРАК?



ҲАЁТДА ШУНДАЙ ҲОЛАТЛАР БЎЛАДИКИ, СИЗ ҲОҲЛАГАН ИСТАКЛАРИНГИЗНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ПУЛНИ ТЕЖАШ ИМКОНИАТИ БЎЛМАЙ ҚОЛАДИ. МАСАЛАН, СИЗ ЎҚИШ МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНАЁТГАН КОМПЬЮТЕРИНГИЗ ИШДАН ЧИҚИБ ҚОЛСА ВА ЯНГИ КОМПЬЮТЕРНИ НАРХИ ҚИММАТ, СИЗДА ЭСА МАБЛАҒ ЙЎҚ, БУНДАЙ ҲОЛАТДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

### БУНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА КРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ МУМКИН

КРЕДИТ – БУ СИЗ БАНКДАН МАЪЛУМ БИР ВАҚТГА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН БЎЛГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИДИР. БАНК СИЗГА АЖРАТГАН ПУЛ МИҚДОРИ УЧУН СИЗ БАНККА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРАСИЗ ВА БУ ФОИЗ ДЕБ АТАЛАДИ.



КРЕДИТЛАР АВТОТРАНСПОРТ, КВАРТИРА ХАРИД ҚИЛИШ ВА ЗАРУР ЭҲТИЁЖЛАР УЧУН АЖРАТИЛАДИ.



